ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 3 (230) | 2001 йил 17 январ, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

СЕМИНАР-КЕНГАШ

КОНСТИТУЦИЯНИ ЎРГАНИШ – ФУҚАРОЛИК ЭҲТИЁЖИ

Кеча Тошкентда Республика Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига биноан маҳалла фуқаролари ўртасида Конституциянинг мазмун-моҳияти, унинг ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб боришни ташкил этишга бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Президентининг 2001 йил 4 январдаги мазкур Фармойишида бу масъулиятли ва айни вақтда шарафли вазифани бажариш, жумладан «Маҳалла» жамғармаси зиммасига ҳам юклатилганди. Халқ ҳаётига яқин бўлган, фуқаролар билан бевосита иш олиб бораётган ўзини ўзи бошқариш органлари бу йўналишда қандай тадбир ва тадорикларни амалга оширишлари хусусида йиғилишда келишиб олинди.

Тошкент вилояти ва пойтахт шаҳри, Сирдарё вилоятларидан ташриф буюрган маҳалла оқсоқоллари, туман «Маҳалла» жамғармаси бўлими раҳбарлари иштирокида ўтган йиғилишни Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика Бошқаруви раиси Ш.Жалилов очди ва бу борадаги вазифаларимиз хусусида сўзлади. Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш ва махсус ўқув курсини ишлаб чиқиш бўйича комиссия раиси, академик Ш.Ўразаев маъруза қилди.

- 21 кишидан иборат бўлган комиссиямиз шу кунга қадар ўзининг иккита мажлисини ўтказишга улгурди, - деди академик Шавкат Ўразаев. - Бош қонунимизни ўқиб ўрганишни турмуш тақозо этаётган ҳамда фуқароларнинг ўз манфаати йўлидаги иш экан, уни барча ўрганиши учун етарлича шарт-шароит, қулай муҳит яратиш керак. Фуқаролик жамияти қурилаётган мамлакатда Конституция сув билан нондек азиз бўлиши лозим. Бу ишда эса сиз - маҳалла оқсоқолларининг қимматли таклиф-мулоҳазаларингизга катта эҳтиёж сезилади, албатта.

Йиғилишда, шунингдек, Конституцияни ўрганиш дастурини яратиш бўйича комиссия таркибига киритилган ишчи гуруҳ аъзолари ҳам иштирок этишди. Оқсоқолларнинг мавзу доирасида қизиқтирган саволларига мутахассислар жавоб қайтаришди.

Нодир АЛИМОВ,
«Mahalla» мухбири.

Соғинтириб ёққан қормисан!

Кеча тонгдан пойтахтимиз оппоқ либосга бурканди. Қишнинг нақд ярмига келганида шаҳар қор кўрди. Орзиқиб кутилган, қалбларга алланечук илиқлик юғуртирган муздек қор...
Бу не умидли дунёки, инсон ҳамма нарсанинг ўз мавридида, вақти-соатида бўлишини истайди. Кеч бўлса-да, ўз мавсумида ёққан оппоқ қор юртимизга қут-барака, олам-олам қувонч келтирсин.

ШШУ СОҲНИНГ

2-саҳифасида:

- Дарсхонада машғулотлар жадвал бўйича ками билан икки ҳафтада бир маротаба ўтказилиши мумкин. Конституцияни ўрганиш бўйича тавсиялар берамиз.
- «... по данной территории проходить категорически запрещается» деб ёзилганди ўз сиҳатгоҳ тупроғимизга...

3-саҳифасида:

- Томни «ўзимизникилар» ёпаяпти.
- «Қорхат» соғиндингизми?
- Ўз фарзандига ҳамла.

4-саҳифасида:

- Тонгда учрашган қўшнилар салом-аликсиз ажралишдилар.
- Ёнғинларнинг 77,7 фоизи маҳаллаларда содир бўлади.
- Ҳаммом - узоқ умр кўриш масканими?

Қашқадарё

ОҚСОҚОЛЛАР МАЛАКА ОШИРИШМОҚДА

Ўзини ўзи бошқариш органлари ишини ташкил этиш, фуқаролик жамияти қурилишини такомиллаштириш биздан жуда катта билим, тажриба, иқтидорни талаб этади.

Негаки биз бу муҳим соҳада эндигина дастлабки қадамларни ташлаяпмиз. Шу жиҳатдан олиб қараганда «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг саъй-ҳаракати билан «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий маркази ташкил этилганлиги катта аҳамият касб этади.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида мазкур марказ ва «Маҳалла» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими билан ҳамкорлигида маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг ўқуви бошланди. Биринчи гуруҳ 36 соатлик дастур асосида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлатнотижорат ташкилотларнинг фуқаролик жамиятини қуришдаги ўрни ва роли, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати юзасидан маърузалар тингладилар, ўзаро фикр алмашдилар.

«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими маҳалла котиблари, посбонлари, жамоатчилик тузилмалари сардорларининг ўқувини ташкил этишни ҳам режалаштирмоқда.

Ўз мухбиримиз.

«МАҲАЛЛА ДАРСХОНАСИ»ГА ТАВСИЯЛАР

МАҲАЛЛАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАВЗУЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойишига биноан ҳаётимизнинг Асосий Қонуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, маъно-мазмуни ва моҳиятини маҳаллаларда ўрганиш ва ўргатиш мақсадида уни тарғиб ва ташвиқ этиш муҳим аҳамиятга молик вазифадир.

Аввало, Конституциянинг мазмунини чуқур билиш, ундаги алоҳида моддаларнинг амалиётидан хабардор бўлиш, уларни бошқаларга атрофлича тушунтира олиш учун маҳалла оқсоқоллари ҳамда фаоллари давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тузумини тўғри тавсифлаш даражасида ўзлари ўрганган бўлишлари керак.

(Давоми 2-бетда.)

МИЛЛАТИМ — ҚАДРИМ

МАФКУРАМИЗ МОҲИЯТИ ТЕРАН

(Ўзбек халқининг маънавий-руҳий қиёфаси ҳақида)

Тарих далолат берадики, ҳар бир миллат, халқни улуғлайдиган энг муҳим омилларидан бири - унинг ички маънавий-руҳий салоҳиятидир. Кўп минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқининг руҳияти, унинг маънавий қиёфаси қандай хислатларни ўз ичига олади? Бошқача сўз билан айтганда, ўзбекчилик деганда биз, аввало, нимани тушунамиз?

Маълумки, узоқ тарихимизда халқимиз кўплаб урушлар, босқинларни бошидан ўтказди. Лекин тадқиқотлар кўрсатадики, бу низолар, жанжалларнинг сабаби миллатчилик эмас, балки булар кўпроқ амалдорлар, сиёсатдонлар, сулолалар манфаатидан келиб чиққан. Ўтмишимизни синчиклаб ўрганар эканмиз аждодларимизнинг этник, ирқий камситиш ёки айирмачиликка бормаганлигини кўрамиз.

Минтақамизда турли юртлар маданияти борасида ҳам кескин зиддиятлар бўлмаган, аксинча, бу тараққиёт ришталари сифатида бири иккинчисига кўмаклашган, бойитган. Бундай мулоҳазага Буюк ипак йўли мисол бўла олади.

Халқимизда азалдан диний эътиқодлиликка нисбатан бағрикенглик мавжуд бўлган, бошқа динларга сиғинувчиларга ёмон кўз билан қаралмаган. Масалан, икки минг йил муқаддам Марказий Осиёда Зардўштийлик, буддавийлик, иудаизм, монийлик, шаманлик, насроний-лик ва бошқа эътиқодларни тавоф этувчилар маълум бир муросада бўлган.

Ўзбеклар табиатан мўмин, шукрона қилувчи итоатли халқ. Лекин адолатсизлик, ноҳақлик юз берса, унинг сабр косаси тўлиб тошади. XIV асрдаги Самарқанд сарбадорларининг мўғуллар истибдодига қарши чиқишлари, XIX аср охирларида юз берган чор Россиясига қарши Андижондаги Дукчи Эшон қўзғолони, Тошкентдаги «вабо» исёни ёки шўроларнинг зўравонлик сиёсатига қарши Фарғона истиқлолчилари бошлаб берган умумхалқ нафрати бунга далилдир.

(Давоми 2-бетда.)

Абдул-КОДИР

ОДАМЛАР ЮРТ КЎРКИДИР

Юртимизнинг кўркидир нафосатли одамлар.
Илмини хор этмаган маърифатли одамлар.
Жамият гулшан эса, соҳиби ишбилармон,
Халқ ташвиши-ла бедор саховатли одамлар.
Эл тинчлигин ўйлашиб, хизматга бел боғлаган, -
Омон бўлсин йигитлар, шижоатли одамлар.
Маҳалланинг фахридир, қўлларида тасбеҳи,
Юзидан нур ёғилган шарофатли одамлар.
Ҳаётдаги кўп низою, ҳатто ҳар бир мушкулни,
Кулку билан ечарлар зарофатли одамлар.
Олманинг қурти каби бордур ҳамон арода -
Ўзга ҳаққидан қўрқмас қабоҳатли одамлар.
Замондошман сизга мен, елкадошман ҳар ишда,
Бўлинг бир-бирингизга муҳаббатли, одамлар.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Тахририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

Токионинг ҳукуматта қарашли манбаларнинг хабар беришича, Япония ва Россия давлат бошлиқларининг навбатдаги саммити шу йил февралнинг ўрталарида Сибирда бўлиб ўтади. Мори ва Путин учрашув Иркутскда бўлишини айтишган. Ушбу учрашувда халқаро ишларда томонларнинг ҳамкорлиги, иқтисодиёт ва савдо алоқаларини ривожлантириш ва энг асосийси баҳсли ороллар ҳақидаги масалалар муҳокама қилиниши назарда тутилмоқда.

***

Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош котиби Кофи Аннан Мўғилистон ҳукуматига ҳалокат туфайли озор чеккан БМТ ходимларига тегишли ёрдам кўрсатганлиги учун миннатдорчилик билдирди. Самолёт аварияси натижасида тўрт киши ҳалок бўлиб, бир неча киши шикастланган эди.

***

Сальвадорда бўлиб ўтган зилзила туфайли ҳозирги маълумотларга қараганда 500 ортиқ одам ўлган, 770 киши шикастланган, 1339 киши бедарак йўқолган. Бу ердаги ер қимирлаш бутун Марказий Америка мамлакатларида сезилган. Мамлакатга қўшни давлатлардан инсонпарварлик ёрдами кела бошлаган. Мамлакатда мотам эълон қилинган.

***

Жанубий Украина атом электростанциясининг битта реактори ишдан чиққанлиги туфайли электр узатиш тўхтатилган. Бу авариядан теварак-атроф зарар кўрмаган. Таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Николаев области ҳудудида 80-йилларда бунёд этилган бу атом электростанцияси замонавий станциялар сирасига киради.

***

Мустақилликка эришилгандан кейин Қирғизистонда 10 марта амнистия эълон қилинган эди. Ўтган йилнинг охирида республика Жуқори кенгашининг қонун чиқарувчи қўмитаси янги авф тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Энди уни намояндалар палатаси тасдиқлаб, президент имзоласа кучга киради. Ушбу қонун кучга кирса 10 мингдан ортиқ маҳбуслар озод этиладилар. Қонун Ватан уруши қатнашчилари, республикани ҳимоя қилган жангчилар, ҳомиладор аёллар, 5 йилгача кесилган ўсмирларга таллуқли. Наркотик ишлар билан қамалганлар бундай авфдан мустасно.

***

Туркманистондаги мухолифат раҳнамоларидан бири Нурберди Нурмамедов республика президентининг Қадр куни муносабати билан озод этилган. У С.Ниёзовни умрбод президентликка сайланишини танқид қилгани учун беш йилга озодликдан маҳрум этилган эди. «Озодлик» радиосининг халқаро амнистия ташкилотининг берган хабарига таяниб маълум қилишича, у телевиденида қилган ишига тавба қилган. У ҳозир Ашгабатдан чиқмаслик шарти билан уйида яшамоқда.

***

Японияда «Дайити» фармакология компаниясининг бир гуруҳ мутахассислари рак хужайраларини емирадиган оқсил бирикмани кашф қилганликларини маълум қилганлар.

***

Матбуот хабарига кўра россияликларнинг 55 фоизи худога ишонадилар. Уларнинг 91 фоизини православлар, 5 фоизини мусулмонлар, бир фоиздан иудизм ва католик динига ишонувчилар ташкил қиладилар.

***

Афғонистонда тайёрланган гиёҳванд моддаларни Яқин Шарқ ва Осиё давлатларига олиб чиқишда Туркия ҳам транзит йўли бўлиб қолди. «Анатолий» агентлигининг хабарига кўра Туркия полицияси 140 кишини қўлга олган.

***

Россиянинг турли регионларига жойлашган 200 шаҳардаги 1600 киши иштирокида ўтказилган сўров натижаларига кўра россияликларнинг 51 фоизи ўзларини қашшоқ эканликларини; 39 фоиз ўртаҳол; 2 фоиз бадавлат яшаётганликларини айтишган. 8 фоиз аҳоли сўровга жавоб беришдан бош тортган. Шаҳарликларнинг 48 фоизи жамғармага эга эмас. 23 фоиз маблағларини уйларида, 12 фоиз банкларда сақлар эканлар. Россияликларнинг 9 фоизининг уйларида компьютер мавжуд. 31 фоизи эса хусусий автомобил эгаси.

«МАҲАЛЛА ДАРСХОНАСИ»ГА ТАВСИЯЛАР

МАҲАЛЛАЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА МАВЗУЛАР

(Боши 1-бетда)

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор». Ушбу талабдан келиб чиққан ҳолда, мазкур дастур ҳуқуқий саводхонликни янада юқори поғонага кўтариш учун хизмат қилишига, пировардида ҳар бир Ўзбекистон фуқароси «Мен Конституциямизни тан оламан, уни биламан ва талабларига риоя қиламан», дейишига ҳамда бу сўзни виждонан амалга оширишига кўмак бериш учун мўлжалланган.

Маҳаллаларда «Конституцияни ўрганиш дарсхонаси»ни ташкил этиш, уни тамомлагач, ўзлаштириш даражаси саволлар ва тестлар ёрдамида текширилиши ва баҳоланиши тавсия этилади.

«Маҳалла дарсхонаси»нинг мавзулар режасига қуйидагиларни тавсия этамиз

I Қисм. Умумий тушунчалар.

1. Конституция — ҳуқуқий саводхонликнинг алифбосидир.
2. Демократик ҳуқуқий давлат ва одилона фуқаровий жамият сари.
3. Мустақиллик ва унинг неъматлари. Давлат тили. Давлат рамзлари. Пойтахт.
4. Давлат ва Шахс. Уларнинг ўзаро масъулиятлари. Қонун устуворлиги.
5. Адолат ва ҳуқуқ. Ҳаётнинг умуминсоний принциплари. Миллатлараро осойишталик ва ҳамкорлик.

II Қисм. Конституция ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари.

6. Инсон ва унинг дахлсиз ҳуқуқлари - олий қадрият.
7. Қонун олдида барчанинг тенглиги. Эҳтиёж ва имтиёзлар.
8. Фуқаролик. Унга эга бўлиш асослари. Фуқароларнинг давлат ҳимоясидалиги.
9. Яшаш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи. Айбсизлик презумпцияси.
10. Шахсий ҳаёт ва турар жой дахлсизлиги.
11. Ҳурфикрлилик.
12. Ахборот олиш ҳуқуқи.
13. Виждон эркинлиги.
14. Сиёсий ҳуқуқлар. Давлат ва жамият бошқарувида иштирок этиши. Йиғилиш ва намойиш, ариза ва шикоят ҳуқуқи.
15. Мулк ҳуқуқи. Меҳнат ва дам олиш ҳуқуқи. Тиббий ва моддий ёрдам олиш ҳуқуқи.
16. Билим олиш ҳуқуқи. Ижод эркинлиги.
17. Ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари ва тиклаш имкониятлари.
18. Фуқароларнинг бурчлари.
19. Тарихий, маънавий ва маданий меросни асраш - муқаддас вазифа.
20. Табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабат.
21. Солиқ ва йиғимларни тўлаш бурчи.
22. Ватанни ҳимоя қилиш мажбурияти.
23. Бошқа шахсларга, давлат ва жамиятга путур етказмаслик зарурияти.

III Қисм. Жамият ва шахс.

24. Иқтисодиёт негизи ва бозор муносабатларини ривожлантириш.
25. Табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир.
26. Жамият бирлашмалари. Уларнинг мавқеи ва турлари.
27. Конституциявий тузумни эъзозлаш.
28. Оила - жамиятнинг асосий бўғинидир.
29. Ота-она ва фарзандларнинг ўзаро масъуллиги.
30. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги.

IV Қисм. Давлат ҳокимиятининг ташкилий асослари.

31. Олий Мажлис - халқ вакиллигининг олий органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятдир.
32. Олий Мажлис депутатларининг ҳуқуқий мақоми.
33. Олий Мажлиснинг ваколатлари. Олий Мажлис Кенгаши, қўмита ва комиссиялари.
34. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи.
35. Ўзбекистон Республикаси Президенти - давлат бошлиғи.
36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг асосий фаолияти.
37. Маҳаллий давлат ҳокимияти ва унинг вазифалари.
38. Халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимиятларининг ваколат доиралари.
39. Маҳалла фуқароларнинг йиғинлари - ўзини ўзи бошқариш органларидир.
40. Суд ҳокимияти ва суд тизими.
41. Конституциявий суд ва унинг ваколатлари.
42. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва умумий судлар.
43. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари.
44. Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши.
45. Судларда иш кўришнинг асосий қоидалари.
46. Прокуратуранинг ташкилий асослари ва фаолият доираси.
47. Сайлов тизими ва унинг асосий хусусиятлари.
48. Молия, солиқ, пул-кредит ва банк тизимлари.
49. Мудофаа, хавфсизликни таъминлаш ва қуролли кучларни ташкил этиш.
50. Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби.

***

Конституцияни ўрганиш машғулотларини ўтказишда турли услубиётдан фойдаланиш мумкин.

Жумладан, юқорида санаб ўтилган барча мавзулар бўйича машғулотларни имкон борича дастлаб маруза тарзида ўтказиш. Бунинг учун тегишли дарсликлар ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш зарур бўлади. Маърузачи ҳар бир маърузани ёхуд ўзаро бир-бирига яқин бир неча мавзуларни қамраб олган ёзма режалар ёхуд матнлар тузиши тавсия қилинади. Уларда Конституциянинг тегишли моддалари оммабоп равишда кенг ва чуқур шарҳланиши, конституциявий қоидаларнинг амалиётига оид ҳаётдан олинган мисоллар келтирилиши шарт. Дарсда қатнашаётганларнинг таркиби ва талабларини эътиборга олиб, нотиқ масалаларни оддий, равон ва лўнда ифодалаб беришга, уларни ўқув-техника воситаларидан ва замонавий илғор усуллардан фойдаланиб баён этишга интилиши лозим.

Қўпчилик мавзулар бўйича машғулотлар семинар, мулоқот, мунозара ва давра суҳбатлари шаклида ҳам ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолда машғулотларда тегишли соҳанинг малакали мутахассислари, амалиёт ходимларини таклиф этиш ўринлидир. Чунончи, судья, прокурор, терговчи, ички ишлар ходими, адвокат, табиийки, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига оид мавзуларда ўтказиладиган машғулотларга жалб қилинса, ўқув самарадорлиги ошади. Айтайлик маҳаллалар ҳудудидаги мактаб ҳамда махсус ўрта ва олий таълим ходимлари - билим олиш ва ижод эркинлиги мавзуида, туман, шаҳар ҳокимиятининг тегишли ходимлари - турар жой дахлсизлиги, ариза ва шикоят ҳуқуқи, моддий ёрдам олиш каби мавзуларда, табиатни муҳофаза қилиш ходимлари - табиий муҳит ва табиий заҳираларга эҳтиёткорона муносабатга оид, солиқ хизмати ходимлари - солиқ ва йиғимларни тўлаш мажбуриятига оид, ҳарбий ходимлар - Ватанни ҳимоя қилиш бурчига доир мавзуларда машғулотларни ўтказишга чорланса айни муддао бўлади. Шунингдек, давлат ҳокимиятининг фаолиятига боғлиқ мавзуларни ана шу давлат органларида хизмат қилувчилар, депутатлар, судья, прокурор, молия, пул-кредит идоралари ва банкларнинг малакали ходимлари томонидан чуқурроқ баён этилиши шубҳасиздир. Улар Конституцияни ўрганишга кўмаклашиш билан бир қаторда машғулот қатнашчиларига турли масалалар бўйича ҳуқуқий маслаҳат бериши, ариза ва қонуний талабларни ҳал этишга кўмак беришлари Конституциянинг амалиётига қўшилган ҳисса бўлар эди.

Маҳалла ўз ҳудудидаги боғча ва мактабларга ҳам ёрдам бериши мумкин. Хусусан, ота-оналар ўз фарзандлари Конституцияни қандай ўрганаётганларидан мактабгача тарбия муассасаларида тегишли тарбия-таълим жараёнларида навбатма-навбат иштирок этиб хабардор бўлишларини ташкил этиш ижодий натижалар беради. Улар, жумладан, болалар боғчасида қўлланаётган усул, шеър, ашула, расм, қўғирчоқ, ўйинчоқ, нарсалар, теле-видео, мультфильм ва лавҳалардан ўз уйларида ҳам фойдаланса, ўз қўшнилари ва яқинларига ҳам шуни тавсия этсалар, қўнгилдагидек бўлар эди. Худди шунингдек, Конституцияни ўрганишга оид мактабдаги дарсларда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этсалар ҳам яхши натижалар беради.

Конституцияни ўрганиш маҳаллаларда асосан оталар чойхонасида, оқсоқоллар ва фаолларнинг турли йиғилишларида, тантанавий тадбирлар ўтказиш чоғида ташкил этилиши маъқул. Никоҳ ва суннат тўйларида, балоғатга етганлар ва катта ёшга тўлганларни табриклашда, ҳатто диний маросимларда ҳам Конституциянинг муайян моддаларини тарғиб қилиш учун имкониятлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ниҳоят, маҳалла идорасида, жамоат жойларидаги бурчакларда Конституция ва унга бағишланган илмий-оммабоп рисолалар, деворий газета, ахборотнома ва ифодали сурватлар тўпламини ташкил этиш ҳамда улар билан танишиш имкониятларини яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Дарсхонада машғулотлар жадвал бўйича ками билан икки ҳафтада бир маротаба ўтказилиши, уларни ташкил этиш, иложи борича маҳаллада истиқомат қилувчи ўқитувчилар зиммасига юклатилиши тавсия этилади. Машғулотларни ўз вақтида кўнгилдагидек жозибали ўтишини таъминлаш билан бирга, ташкилотчи бу ҳақда маҳалла фаолларига вақти-вақти билан қисқа ахборот бериб бориши лозим.

Таҳририят мавзуларнинг батафсил таркиби, уларда ёритилиши лозим бўлган тегишли масалалар доираси ва фойдаланиш учун асосий адабиётлар рўйхатини мунтазам ёритишни кўзда тутади.

Шунингдек, ушбу дастурни ўрганиб, у тўғрида фикр ва мулоҳазалар ҳамда холисона муқобил таклифлар кутади.

МАФКУРАМИЗ МОҲИЯТИ ТЕРАН

(Боши 1-бетда)

Руҳиятимизнинг яна бир кўринишн - маърифатга, илм-фанга интилишда намоён бўлади. V асрдаёқ Сўғдиёнада болаларни 5 ёшлигидан ёппасига ўқитилиши, ўспирин ёшлар илм излаб хорижга борганлиги бунинг исботидир. Мирзо Улуғбек Бухорода 1417 йилда қурдирган мадраса пештоқида «Билимга интилиш ҳар бир муслима ва муслимнинг бурчидир», деб ўйиб ёзиб қўйилганлиги кўпчиликка маълум.

Юқорида зикр этилган ва шу каби бошқа хислатлар ўзбеклар қонида, дилида, иймонида мустаҳкам ўрнашган. Шу билан бирга бундай фазилатлар жаҳон халқлари қадриятларига зид эмас, балки кўп жиҳатдан уйғундир. Беайб-фақат парвардигор, дейди доно халқимиз. Миллатдошларимиз ҳам бенуқсон эмас.

Биламизки, ҳар бир миллатда турли феъли-атворга эга кишилар мавжуд. Улар камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Халқимиз миллатга доғ туширадиган бундай иллатларга мубтало бўлганларни қоралайди, уларни инсофга, адолатли ва виждонли бўлишга чақиради. Бунга муқаддас ислом дини ҳам, мустақил Ватанимиз қонун-қоидалари, Конституциямиз ҳам даъват этади.

Шу ўринда яна бир масалани инобатга олмоқ даркор. Бу «Ўзбекистон халқи» деган тушунчани аниқроқ тасаввур этиш. Республикамизда истиқомат қилаётган 25 миллион аҳоли Ўзбекистон халқи деб ҳисобланади. Булар орасида етти миллионга яқин ўзбек бўлмаган кишилар бор, улар ҳам тенгқур юртдошларимиз. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари. Улар мамлакатимизда ҳамжиҳатликда яшамоқдалар. Миллий тотувлик эса ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилларидан биридир. Бугунги мавжуд воқелик шундан иборатки, Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элат вакиллари орасида ўзига хос тарихий-этнографик муштараклик шаклланиб бормоқда. Бундай бирлик ҳақли равишда «Ўзбекистон халқи» деб аталмоқда.

Мустақил юртимизнинг маънавий асоси бўлмиш миллий истиқлол ғояси ва мафкураси деганда фақат ўзбекларнинг эмас, балки мамлакатимиз халқининг умумий мафкураси, умумий ғояси мазмунида тушунмоқ лозим. Президентимиз Ислом Каримов «Миллий ғоя ва истиқлол мафкураси юртимизда яшаётган барча кишиларнинг маънавий бойлигига, дунёқарашининг негизига айланишига эришмоқ муҳимдир», дейди.

Бундан деярли ярим аср муқаддам АҚШнинг йирик саноат шаҳарларидан бири бўлмиш Чикагода «Жаҳон қомусий луғати» деб аталган икки жилдлик салобатли китоб 200 минг нусхада чоп этилган эди. Унда 180 минг атама ва сўзга изоҳ битилган экан. Бу ноёб асарда, «ўзбек» сўзига ҳам изоҳ берилиб, унда: «Ўзбек - жаҳон халқлари орасида биринчилардан, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтроқлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат», дейилган.

Мутахассис олимлар фикрича, бу қомусий луғатда миллатимизга берилган таъриф холис ва асослидир. Ушбу таъриф қаҳрамон шоир Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасини эслатади. Шоирнинг бу мумтоз асари 1969 йилда, яъни собиқ ССРнинг Ўзбекистонга маънавий тазйиқи кучайган пайти яратилган эди. Шу боисдан юртимизнинг садоқатли фарзанди Эркин Воҳидовнинг жасорати ҳам ҳақиқий ўзбекчиликдир.

Умумий хулоса шундан иборатки, халқимизнинг маънавий бойлиги, юксак руҳий қиёфаси бизда мамнуният ҳиссини уйғотади, ғурур бағишлайди. Бу табиий, албатта. Лекин, бундай туйғу манманликка, кибрликка олиб келмаслиги лозим. Ватан тарихи бизга аждодларимиз яратган, асрлар давомида пешланган фазилатларнинг қадрига етиш, уларни эъзозлаш, янада такомиллаштириш, шундай юксак хислатларга виждонан муносиб бўлиш масъулиятини юклайди.

Абдулла АБДУНАБИЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби.

БАЛЛИ, ЗАМОНДОШ!

ОМОН БЎЛИНГ, ОМОН АКА!

«Умридан барака топсин!» дейишади Омон Чўтов ҳақида шўрчиликлар. Чунки унинг саховатпешалигидан баҳраманд бўлмаган, жилла қурса унинг савобли ишлари таърифини эшитмаган одам кам топилади. У раҳбарлик қилаётган ун ишлаб чиқариш корхонаси шаҳардаги 68-махсус мактаб интернатни ва ўзи яшайдиган Бобур маҳалласидаги 21-мактабни қарамоғига олган.

Айниқса, мактаб-интернатнинг кўнгли ярим тарбияланувчилари Омон ака ташаббуси билан кўрсатилаётган эътибор, меҳрдан хурсандлар.

- Омон акадек бағри кенг, саховатпеша одамлар камдан-кам топилади. Туманимиздаги биронта тадбир Омон ака иштирокисиз ўтмайди. Анча вақтдан бери ўнлаб кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам бериб келади. Ўтган йили Наврўз айёмида элга ош бериб, камхарж ва кўп болали оилаларнинг 40 нафар фарзандининг суннат тўйини ўтказиб берди. Корхона хизматчиларидан икки йигитни катта тўю томоша қилиб уйлаб қўйди. Қолаверса, шаҳримизни кўркам, обод қилишда ҳам Омон аканинг хизматлари катта, - дейди туман Оқсоқоллар кенгаши раиси Холмўмин Норматов.

Табиийки, бунча салмоқли хайрия тадбирлари учун маблағ ажарата оладиган корхонанинг иқтисодий қуввати, даромади ҳам бақувват бўлиши керак. Бу жабҳада ҳам Омон ака бошчилигидаги корхона жамоаси мақтаса арзигулик ютуқларга эришмоқда. Ишлаб чиқариш бўйича белгиланган шартнома режалари ортиғи билан уддаланган, маҳсулот сифати аъло, шунинг учун харидор ҳам кўп.

- Ўтган йилни корхонамиз беш миллиард 422 миллион 800 минг сўм даромад билан якунлади. Шундан 21 миллион 63 минг сўм маблағни корхонанинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга сарфладик. 42 миллион 800 минг сўмни меҳнат жамоамизга қўшимча иш ҳақи сифатида бердик. Макарон ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Тикиш-бичиш шўъбаси очганмиз, у ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг ҳам бозори чаққон. Муомиладаги ҳар бир акциямизга 822 сўмдан дивиденд тўлаяпмиз. Ундай қилдик, бундай қилдик дея мақтанишдан осони йўқ. Аслида ҳақиқий муваффақият жамоанинг жипслашганда, бир мақсадни кўзлагандагина келиши мумкин, - дейди Омон аканинг ўзи. - Бош мухандисимиз Бўрон Менгбоев, бош иқтисодчи Азамат Турдиалиев, қолаверса, ҳар бир ишчи-хизматчимиз ягона мақсад - корхонамиз равнақи йўлида астойдил ишламоқдалар.

Омон аканинг айтган сўзини бажарадиган инсон эканлигига тўла ишондик.

О. ШУКУРОВ,
М. ҚОСИМОВА,
«Mahalla» мухбирлари.

«РУҲ ВА ХАЁЛ»

Ўзбекистон Бадиий академия Марказий кўргазмалар залида «Руҳ ва Хаёл» мавзуидаги асарлар кўргазмаси ташкил этилди.

Унда тўрт ижодкор - таниқли рассомлар Жамол Усмонов, Рихситилла Акромов, Вячеслав Ахунов, Шавкат Ҳакимов асарлари намойиш қилинмоқда. Картиналар билан танишар экансиз, бугунги кунда Ўзбекистон рангтасвир санъатида миллий ўзига хосликни ифодалаш борасида турли йўналишда изланишлар изчил давом этаётгани, мусаввирларнинг қадим тарихимизга, Ўрта асрлар Шарқ миниатюрасига, шеъриятга, халқ амалий ва безак санъатининг рамзий жиҳатларига эътибори ортаётганининг гувоҳи бўласиз. Кўргазмадан ўрин олган асарлар ўзининг ранг-баранглиги, шарқона санъатнинг ёрқин намунасига айланганлиги билан диққатга сазовордир.

ЎзА.

«ТУРОН» ШИФО МАСКАНИНИНГ ТАРИХИ ВА БУГУНИ

Сувларин кўрганда у оби ҳаёт,
Тортиниб зулматга яширинди бот.
Бурак анҳорининг сувлари равон,
Жаннат боғларида салсабилсумон...

«Бадоеъ-ул воқоеъ» номли машҳур классик асар муаллифи Зайниддин Маҳмуд Восифий 150 мисрадан иборат «Тошкент ва унинг боғу роғлари васфида» деб номланган қасидасида она шаҳримиз Тошкентни ана шундай завқу шавқ билан тасвирлаган эди.

Лекин, афсус-надоматлар бўлсунким, ўзбек халқи турли бўҳронлар сабабли она юртидаги ана шундай бетакрор, ҳаётбахш гўзалликлар имкониятларидан баҳраманд бўлишдан йироқда эди. 1865 йил 17 майида генерал Черняев қўмондонлигидаги катта ҳарбий техника билан Тошкентга бостириб кирди ва икки ой давомида шаҳарни даҳшатли қамалда тутди.

1867 йилда бу муқаддас заминда рус империясининг ажралмас қисми, аниқроғи унинг хомашё базаси бўлмиш - Туркистон генерал - губернаторлиги таъсис этилди. Туркистон генерал - губернатори этиб генерал К.П. фон-Кауфман тайинланди. У Туркистонда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва ўзлари олиб борган қонли урушларни ниқоблаш мақсадида бир гуруҳ маҳаллий табақа вакиллари билан келишган ҳолда улар учун қатор қулай шарт-шароитлар яратишга киришди. Жумладан, ана шуларнинг маслаҳатлари билан босқинчиларнинг ҳукмрон доиралари учун оромгоҳ гўшалар танланди. Ана шундай оромгоҳ учун Тошкент шаҳри яқинидаги аввалига шўролар даврида Луначарский деб ном олган табиати гўзал жойдаги, бугунги «Турон» сиҳатгоҳи ҳудуди ва шаҳар марказидаги бугунги «Бобур боғи» номини олган ҳудудлар танланди. Бугунги кундаги «Бобур боғи» табиати, унинг гўзаллиги, ҳавосининг софлиги ўша даврда босқинчи аристократларга шунчалик ёқиб тушган эдики, улар бу масканда фақат ўзлари мириқиб дам олишни исташар, маҳаллий халқни эса бу жаннатмакон боғ атрофига яқинлаштирмаслик тадбирларини кўриб, боғ дарвозаси пештоқига катта ҳарфлар билан «...по данной территории проходить категорически запрещается» деб ёзиб қўйилган ҳам эди. Улар об-ҳавоси шаҳар ичкарисидан ҳам аъло бўлган бугунги «Турон» сиҳатгоҳи ўрнида ўзларининг дастлабки дам олиш масканларини бунёд этганлар. Шўролар даврида бу ерда 1928 йилга келганда хом ғиштдан қурилган «Сталиновец» номи билан аталган дам олиш уйи бунёд этилди. Бу бино Иккинчи жаҳон уруши давридан бошлаб, токи 1946 йилга қадар Ўзбекистонга эвакуация қилинган оғир ярадор жангчиларнинг даволаш - реабилитация этиш марказига айлантирилган эди. Шу боис бугунги «Турон» сиҳатгоҳининг 6-корпуси ҳамон реабилитация бўлими деб аталиб келмоқда.

Халқимизда «Устозингни кўрсат, сени кимлигингни айтаман» деган нақл бор. Сиҳатгоҳ директори, тиббиёт фанлари номзоди, олий тоифадаги шифокор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Мирабзал ака Юнусов ана шундай «Устозингни кўрсат» деганда ҳам назарий, ҳам амалий, қолаверса ҳам ташкилотчилик жиҳатидан устозликка молик инсондир.

Мирабзал ака ўзларининг сиҳатгоҳга раҳбарлик фаолиятларида ҳамма бўлимларга албатта баб-баробар ихлос билан қарайдилар. Лекин, реабилитация бўлими фаолияти у кишининг алоҳида диққат марказида туради. Тўғри, бунга айрим жиддий сабаблар ҳам бўлиши мумкин. Айтайлик бинонинг эскилиги, капитал таъмирлаш учун катта маблағ талаб этилиши кабилар. Лекин, асосий сабаб бу бўлимда даволанадиганларнинг аксариятларини инфарк-миокарданинг бошларидан ўтказганлиги ва шу боис интенсив даволаш усули билан имконияти борича беморларни нормал ҳаётга қайтаришдан иборатдир. Юрак хасталигининг маълум даражада асаб системаси билан алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда реабилитация бўлимида неврапатолог мутахассис шифокорлар фаолиятларига алоҳида эътибор ажратилган. Сиҳатгоҳнинг асаб касалликлари бўлимининг бошлиғи, олий тоифадаги шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Муҳаббат Носированинг реабилитация бўлимидаги ўз касбларининг фидойилари бўлган кардиологлардан Карим Мансуров, Елена Степанова, кардиология бўйича катта тажриба соҳибаси ҳамшира Валентина Иванова билан доимий ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлари беморлар саломатликларини интенсив мустаҳкамлашда ажойиб самаралар бермоқда.

Миллий истиқлолимизга қадар «Луначарский сиҳатгоҳи» номи билан юритилган мазкур масканда ҳам миллий мустақиллигимиз шарофати билан қатор ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Мустақиллик даврида сиҳатгоҳда янги бўлимлар - андрология ва гинекология бўлимлари очилиб, бу бўлимларга катта танлов асосида етук мутахассислар жалб этилди. 1998 йилда эса 250 ўринга мўлжалланган, тиббиётнинг барча замонавий талабларига жавоб берадиган кардиология ва неврология бўлимлари очилди. Бундан ташқари 22 ўринли оилавий корпус ҳам қурилиб ишга туширилди.

Биз юқорида шоир Восифийнинг «Тошкент ва унинг боғу-роғлари васфида» асаридан «Сувларин кўрганда у оби ҳаёт, Тортиниб зулматга яширинди бот» деган мисрасини келтирдик. Бу мисранинг манмуни истиқлолимиз даврида республикамиздаги кўплаб сиҳатгоҳлар қаторида «Турон» сиҳатгоҳи мисолида ҳам том маъносида катта аҳамият касб этмоқда.

Бу масканда яқинда қуриб ишга туширилган ёпиқ сув ҳавзаси мутахассис шифокорлар назорати остида беморларда асаб системаларини даволашда бебаҳо муолажа бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳа, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида кўрсатиб ўтилганидек, (38-модда), «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга». Бу қуруқ қоғозда эмас, «Турон» деб аталмиш тиббий масканда амалий намоён бўлмоқда.

Суратда: Сиҳатгоҳнинг асаб касалликлари бўлимининг бошлиғи, олий тоифадаги шифокор, тиббиёт фанлари номзоди Муҳаббат Носирова бемор билан суҳбатда.

Турғун ҳожи ТОШПЎЛАТОВ.

ҒАНИ АЪЗАМОВ



Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати, ўзбек миллий театр санъатининг йирик намояндаларидан бири, халқимизнинг ардоқли театр ва кино актёри, жонкуяр устоз Ғани Аъзамов 92 ёшида вафот этди.

Ғани Аъзамов 1909 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ижодий фаолиятини 1930 йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрида бошлади ва умрининг охиригача бу табаррук санъат даргоҳида баракали ижод қилиб, ғоят сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди. Санъаткорнинг етмиш йиллик ижодий фаолияти давомида театр ва кинода ўйнаган Раҳим ямоқчи, /»Ҳалима» мусиқали драмаси/, Мамарасул / »Қалтис ҳазил»/, Домла имом /»Бой ила хизматчи»/ , Мунажжим /»Алишер Навоий»/, Али сартарош / »Мафтунингман» фильми/, Қамбар /»Қутлуғ қон»/, Қорашоҳ /»Икки дил достони»/ каби кўплаб роллари миллий санъатимиз хазинасини безаган бетакрор образлар сифатида эътироф этилган. Бу образлар ўзининг чуқур миллийлиги, ҳаётийлиги, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва ҳис-туйғуларининг ранг-баранглиги билан мухлислар олқишига сазовор бўлган.

Ғани Аъзамовнинг «Олтин девор» спектаклида яратган Мўмин образи актёрга улкан шуҳрат келтирди. Ўн йиллаб узлуксиз ижро этилган бу асарнинг саҳнадаги муваффақияти бош рол ижрочисининг бетакрор маҳорати билан бевосита боғлиқдир.

Ғани Аъзамовнинг халқ орасида олиб борган сермаҳсул жамоатчилик фаолияти ҳам кўпчилик учун ибрат намунасидир. Табаррук ёшдаги устоз кўп йиллар давомида маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатиб, маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеини кўтаришга, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди.

Ғани Аъзамовнинг миллий маданиятимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Санъаткор «Ўзбекистон халқ артисти» унвони, Давлат мукофоти ва «Дўстлик» орденига сазовор бўлган.

Улкан истеъдод эгаси, олижаноб инсон Ғани Аъзамовнинг ёркин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.

И.Каримов, Э.Халилов, Ў.Султонов, Ҳ.Кароматов, А.Мелибоев, Х.Жўраев, А.Орипов, Т.Юнусов, Ш.Жалилов, М.Абдукундузов, З.Муҳаммаджонов, Ё.Аҳмедов.

МАҲАЛЛА ЎЗГАРИШЛАРИ

ТОМНИ «ЎЗИМИЗНИКИЛАР» ЁПАЯПТИ

Пойтахтимиздаги маҳаллаларда Коммунал хизмати тизимида ислоҳотлар юз бераётгани қувончли албатта. Ижара корхоналардан воз кечиб, кўп қаватли уй эгалари ўртоқлик ширкатларини тузмоқдалар. Натижада аҳоли коммунал тўлов маблағи қайси мақсадларга ишлатилишига секин-аста тушуниб етмоқда.

Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида ҳам ширкатлар тузилиб, аҳолига хизмат қила бошлади.

Биз истиқомат қилаётган Боғишамол маҳалласи худудида ўтган йилнинг июнь ойидан 62та кўп қаватли уйлар ўртоқлик ширкатларига бириктирилди.

Шулар орасида «Илғор коммуналчи» ширкати хақида ўз фикрларимни баён этмоқчиман. Бу ширкат раислигига маҳалла фуқароси, қурувчи Қ.Иброҳимов 20 та уй хонадонларида яшовчилари томонидан сайланди. Раёсат аъзолари, штат ва тафтиш комиссияси тасдиқланди. Ширкат олдига кўп йиллардан бери ҳал бўлмаган муаммолар қўйилди.

Ҳозирги кунда энг асосий масала, аҳолидан коммунал тўлов қарзларини ундириб олиш чоралари кўрилмоқда, натижа ёмон эмас.

Иккинчи масала, бу йўлкадеворларини таъмирлашдир. Ширкат ходимлари сайъ-ҳаракатлари натижасида 14 та уй таъмирдан чиқарилди. Ноқонуний қурилмалар бузиб ташланиб жойлардаги ахлат уюмларига барҳам берилди.

Ширкатда диспетчер хизмати яхши йўлга қўйилган. Кечаю кундуз шикоят тушса мухандислик хизмати кечиктирилмайди.

Яна бир янгилик: қарзи бўлмаган уйларнинг кенгаш раислари эксплуатация тўловидан озод этилмоқдалар. Ҳозирги кунда 12 та уйбоши декабрь ойи учун бундай харажатларни тўламайдилар.

Учинчидан, маҳалла идорасида уйбошилар куни жорий этилган. Кўп масалалар бу йиғинда кўтарилиб, ўз ечимини топмоқда. Кўп масалалар шу нинг ўзида ҳал бўлаётганининг далили ўлароқ ўзини ўзи бошқарув ҳам ўзига хос ҳокимият эканлигидан далолат бериб турибди.

И.АҲАДОВ,
Юнусобод тумани
Боғишамол
маҳалласи оқсоқоли.



(Қорхат)

Қизиқ, қор ёққанда дунё кенгайиб кетгандек туюларкан. Илгари буни сезмагандим. Бу йил нишона берган хурмо дарахти бир кечада худди оқ рўмол ўраган хонимга ўхшаб қолибди. Ёнидан ўтсам, ненидир пичирлагандек бўлди. Бўйини ўлчасам, ҳали менга етмабди. «Оқ рўмол ўраган бўлсанг ҳам, насиҳат айтишингга пича бор экан», дедим унга...

Одамларни кузатдим, нега улар ўзларини гўё ҳеч нима бўлмагандек тутишади? Нега бир-бирларини табриклашмайди қор ёққани билан, оқлиқ, оппоқлик келгани билан? «Одамлар, сизни қор ёққани билан табриклайман!» дея ҳайқиргим келди. Йўқ, ҳайқиролмадим. Айтдим, холос. «Бизни алдаш учун бир ғиғ қўйди-да, қара, эриб кетяпти-ку», «Нима бўпти, қор кўрмапмизми?». Минг уринсам ҳам уларни бугунги қорнинг ўзгачалигига, шу пайтгача ёққанларига ўхшамаслигига ишонтиролмадим. Одамлар бугунги қор оппоқ, ҳар доимгидан ҳам оқроқ эканлигини гўё кўрмас эдилар. Йўлкадаги қорни қизғандим, уни юзлаб жуфт калишлару этиклар лойидан асрагим келди. Афсус, иложини топмадим!

«Бугунги қорнинг ўзгачалигини сиз ҳам сезмадингизми? Нега ҳамма бепарво. Ахир тонггача ҳамма ёқ ўзгарибди, ҳаммаёқ оппоқ - кўчамиз, томлар, қушлар, дарахтлар...» Онам негадир атрофни эмас мени кузатади. Барибир тан олади: «Сездим. Ростдан ҳам бугун ҳаммаёқ бошқача: қушлар, дарахтлар, ўзинг ҳам...»

...Умримда биринчи бор қорхат ёздим: «Азиз одамлар! Сизни биринчи қор билан қутлайман. Қорхатимнинг шарти шуки, бугунги ёққан қорнинг ер юзига дунё яралганидан буён ёққан қорларнинг энг оппоғи, энг момиғи, энг яхшиси эканлигига албатта ишонинг ва эриб кетмасидан унинг оқлигидан, юмшоқлигидан, яхшилигидан қалбингизга бир ҳовуч бўлса ҳам солиб олинг!»

Мавлуда ҚОСИМОВА.

ОҚСОҚОЛ ИБРАТИ

БЕҲАЛОВАТ ДАМЛАР ҲУЗУРИ

Эркин Ғуломовнинг маҳалла оқсоқоли бўлиб орттирган обрўсини кўриб бир фикрга келдимки, маҳалла раислиги инсоннинг касбига эмас одамига қарор экан. Умуман раҳбарлик мақоми у катта бўладими, кичикми юксак ташкилотчилик маҳорати, одамларни ўз ортидан эргаштира олиш қобилияти ҳам инсоннинг нима ҳунар қилишига, ёшига, жинсига эмас, ўзига боғлиқ экан.

Одамига, ўзига қарор экан дедим, аслида шу икки сўзга доҳил бўлиш, яхшилаб ўйласангиз осонмас. Халқимиз «У - одам», «Одамохун», «Отанг боласи бўлма - одам боласи бўл», «Сен ҳам -одамман деб бош кўтариб юрибсанми», «Одамгарчилигинг борми ўзи» дейди. Мана сўзларга берган урғусию, маъносини мағзини чақинг: «Кимсан ўзинг», «Олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ», «Ойнага боқиб, ўзингга бир қара», «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга», «Ўзинг ким эдинг-ку, сўзинг нима бўларди», «Ўзингникини ёмонласанг, ўзидан меҳр кетади» ва шу янглиғ пурҳикмат гаплар.

Ҳар куни, бир эмас, юз марталаб эшитадиган гапларнинг мағзини чақиб, Эркин акага нисбат берар эканмиз, у киши ўзининг бу сўзларга қанчалик муносиб ёки нолойиқ эканлигини, очиғи билмаслигини айтди. Маҳаллада Эркин Ғуломовнинг саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ишларни бир-бир кўриб чиқсак фидойиликнинг намунасини кўрамиз. Эркин Ғуломовнинг ташаббуси билан маҳалладаги ташландиқ, чиқиндилар тўкиладиган жой ҳашар йўли билан тозаланиб, қурилишлар қилиниб маҳалла марказига айлантирилган. Аввалига аҳоли ғамини еб, уларга хизмат қиладиган идиш-товоқ, асбоб-ускуналар сақланадиган иморат тикланади. Шу қурилиш давомида ўзининг ташаббускорлиги, жонқуярлиги, меҳнатсеварлиги билан яна бир бор эл назаридан ўтган, котиб бўлиб ишлаб келаётган Эркин Ғуломов Тошкент тумани, Йўлдош Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайланади. У биринчи навбатда маҳалланинг идораси йўқлигига барҳам беришни ўйлади ва бор имкониятлардан фойдаланиб, икки йилда маҳалланинг беш хоналик идора девони қурилиб ишга туширилди.

- Тома-тома кўл бўлур, - дейди доно халқимиз. - Кўпчилик бир бурдадан берса тўйдиради. Мен ўз фаолиятимда шу халқ ҳикматларига қаттиқ амал қиламан. Керак пайтда ёрдамга муҳтож кам таъминланган оилалар ҳам, ёлғиз қаровчисини йўқотган кексалар ҳам, етимесирлар ҳам ундан баҳраманд. Арғамчига қил қувват деганларидек, бу маҳалла орқали давлат бюджетидан ижтимоий ҳимоя фондига қўшган хизматимиз ҳамдир. Айни вақтда шу заҳирадан «Маънавият ва маърифат маркази»ни, маҳалла чойхонасини, идорасини радио, телевизор, шахмат-шашка сингари зарур ашёлар билан жиҳозлашга ҳам сарфлаймиз.

Оқсоқол маҳалла жамғармасини айланма маблағ ҳисобидан тўлдириб туришни ҳам унутмайди. Унинг ташаббуси билан, «Суннатилла» хусусий дўкони, «Оролча» хусусий кафеси, тандирхона, ошхона аҳолига хизмат қилмоқда.

Маҳалла идорасидан чиқиб, янги ташкил этилган боғни кўришга отланар эканмиз, ойнавандли, шинам хонага кириб кетаётган отахонларни учратдик. Улар раисдан мамнунликларини

айтиб, ҳаққига дуо қилдилар.

- Маҳалланинг ҳамда собиқ Киров номли кўчанинг номини, Алишер Навоий деб атасак, деб маслаҳат солганида Эркинбой, анча узоқни кўзлаганини кейинроқ амалда кўрдик. Навоий бобомиз ариқлар қазитиб, сувлар чиқарганми-чиқарган. Йўллар, кўприклар очганми-очган. Гапни индаллоси, барака топсин оқсоқолимиз ҳам сув чиқарди, боғ қилди, чиқиндиларни хусусий йўл билан тозалаб, маҳалланни ёғ тўкилса ялагувдай қилиб қўйди. Мана бу - отахонлар хонасини ҳам бизга атаб тиклаб берди...

- Раисимиз барчага баробар, - деб йўл-йўлакай гапириб берди бизни ўз эҳсонига таклиф қилган мезбон, - Тўйми, таъзиями бошидан охиригача иштирок этдилар. Ортиқча ҳаракат, дабдабозликка, белгиланган вақтдан ўтиб кетишига йўл қўймайдилар. Янги йил, Мустақиллик, «Наврўз» ва бошқа байрамларда ҳар бир хонадонга, эринмай табрик хатлари киритиб кўнгилларни кўтарадилар. Маҳалла марказида байрамларга бағишлаб, уларнинг моҳиятини кўрсатиб, тантаналар уюштиришни, хонаси билан энг намунали, ибратли маҳалла фаолларини, турли кўрик-танлов ғолибларини турли қимматбаҳо совғалар, эсдалик, фахрий ёрлиқлар билан рағбатлантиришни канда қилмайдилар.

Оила тинч бўлса - маҳалла тинч, маҳалла тинч бўлса - туман тинч, деган шиорлари бор Эркин аканинг. Бунга амалда эришмоқ учун маҳаллада учраб турадиган оилавий можароларни доимо бор вужуди, чидам ва сабр-тоқат билан эшитиб, холис, беғараз ўрганиб ижобий ҳал этишга бор кучини сарфлайди. Маҳалла хотин-қизлар кенгашини, «Яраштирув комиссиясини», бор имкониятни ишга солади.

Ёшлар Эркин Ғуломовни ўзларининг энг яқин дўстлари, отахонлари, устозлари, деб билишади. Зеро, у киши оқсоқол бўлгунча, чин маънода педагог-устоз, илм соҳиби бўлганлар. Иқтисод фанлари номзоди, доцент унвонига эришганлар. Узоқ йиллар халқ хўжалиги институтида иқтисод ва халқ хўжалиги тарихидан талабаларга дарс берганлар. Олти фарзандни тарбиялаб вояга етказганлар. Ўн тўрт набирани суюкли бобоси. «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар устози».

Эркин ака ўз вазифаси билан ёнма-ён, албатта у ёки бу жамоат ишини бажарган, ҳамкасб, ҳам ишхонадаги жамоа аъзоларининг ҳожатини, хизматини қилиб келган. Унинг жамоат ишларига қандай қилиб улгуриши билан қизиқаман.

- Гапнинг очиғи, шу чоққача бу ҳақда ўйламаган эканман. 17 йилдирки, бутунлай жамоатчиман. Худди шундай, маҳалла фуқаролар йиғини раислиги бу лавозим эмас, масъулият, жамоатчилик асосида олиб бориладиган фуқаролар тақдирига жавобгарлик масъулияти. Ана шу масъулиятни ҳис этиш, ўйлаш, инсоннинг фақат ўз манфаати билан ўралашиб қолмай, ўзгалар манфаатини ҳам ўйлаб яшаш хислати - жамоатчиликка бошласа керак. Жамоатчини эса иш соати ҳам, ҳузур-ҳаловати ҳам қизиқтирмайди, у кимгадир қилган яхшилигидан, теккан нафидан дам олади, ҳузур қилади. Айтайлик, менинг ўзим шундайман.

Бундай инсонлар барча касб эгалари орасида ҳам топилади. Шундай фазилатли кишилар, жамоатчи бўлган жабҳаларда, маҳаллаларда ишлар тобида. Эркин ака Ғуломовнинг ибрати, жамоатчилик фаолияти самараси бунга мисолдир. Ҳозир Тошкент туман ҳокимлиги Эркин Ғуломовнинг саховатидан, ҳимматидан, тажрибасидан туман аҳолиси кўпроқ баҳраманд бўлсин деб оқсоқолни туман маънавият ва ҳуқуқий тарбия марказига бошлиқ, балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиясига аъзо этиб қўйган. Бурч ва масъулиятга садоқат билан ишлашга одатланган оқсоқол, туман миқёсида ўзига ишониб топширилган ушбу ишларда ҳам ташаббус, фидокорлик билан фаолият кўрсатиб, ўз иш самараси туфайли обрў-эътибор қозонган. Эркин Ғуломов атрофидаги оқил тажрибали, маслаҳатчилари, фаоллари, доно халқига суяниб, уларнинг ёрдамига, мададига таяниб бошчилик қилаётган Алишер Навоий номидаги маҳалла бугун Тошкент вилоятининг, республикамизнинг намунали тажриба масканларидан бирига айланган.

Расул РАҲМОНОВ.

ҚИЁФА

ҚАБОҲАТ

ёхуд ўз фарзандини бадном этган «ота»

Қарши шаҳридаги Ҳуснобод кўчасида рўй берган мудҳиш хабар қутилгандан ҳам тез тарқалди. Ҳамма «Наҳотки, тавба» дея ёқа ушлади, «Бўлмаган гап, туҳмат бўлса керак» деб қўл силташи. Кани энди чиндан ҳам ёлғон, туҳмат бўлса...

... Қурбонназар яхши ният билан Нортожига уйланди. Дастлабки ойлар, йиллар кўпларнинг қатори завқли, гаштли ўтди. Йигит хотинини умрининг охиригача севишга, қиз ҳеч қачон унга бевафолик қилмасликка ваъда берар, ғўё иккисидан бахтли эр-хотин йўқ эди бу дунёда. Айниқса биринчи фарзанд туғилган кунларни айтмайсизми?! «Одамлар, мен отаман, бахтли отаман» деб ҳайқирарди, Қурбонназар. Оталик шарафига дастурхон ёзди, дўстларига зиёфат берди.

Фарзандлар бирин-кетин дунёга келди. Афсуски, вақт ўтиб унда негадир оилага, болаларига қизиқиши сўлиб борди. Арзимаган баҳоналар билан жанжал кўтарар, эр-хотин ёқабийрон бўлишарди. Охир оқибат Нортожи уч боласи билан уйдан қувилди.

Ойлар ўтди. Қурбонназар Меҳринисо деган жувонга уйланди. Ундан бир қиз, бир ўғил кўрди. «Тешик мунчоқ ерда қолармиди» Нортожи ҳам ўз тенгини топди.

Бир томонда болаларига ўгай отанинг хархашаси, иккинчидан рўзғордаги қийинчиликлар Нортожини бироз қийнаб қўйди. «Ҳеч бўлмаганда болаларининг бировини боқиб олсинда» деган қатъий қарор билан она 14 яшар қизини Қурбонназарникига етаклаб келди.

- Она бўлсанг эплада болангни, - деди унинг янги ойиси Меҳринисо.

- Отасиқу, ахир, у ҳам боқсин, тарбия берсинда. - Нортожи гапни ортиқча чўзмади, қизни ташлаб, шашт билан изига қайтди.

Меҳринисо навбатчилик юмушида ишлар, айрим кунлари кечқурунлари ҳам ишда қоларди. Ана шундай кунларнинг бирида отанинг авзойи бузилди, ҳайвоний ҳирс ақлини ўғирлади, ўз фарзанди, пушти камаридан бўлган қизининг кўрпасига кирди. Қизининг кўз ёшларига қарамай... Ҳа, ҳа, ўз отаси эртаиндин куёвга чиқадиган, гўшангага кирадиган қизини бир умрга бадном, бахтсиз қилди.

- Воқеадан хабар топган она қизи ёнига ошиқади. Ўгай она унга пешвоз чиқади.

- Қизинг ҳамма ёқни расво қилди. Уни деб рўзғорим бузиладиган бўлди.

Икки кундош жанжали маҳалла идорасига кўчди. Қиз отаси уни мажбур қилганлигини, «агар бу ҳақда бировга оғиз очсанг тирик қўймайман» деб қўрқитганини тан олди.

Тергов, суд жараёнларида айблар янада ойдинлашди ва ота 12 йил озодликдан маҳрум этилди.

Келинг, энди холисанилло фикр юритайлик.

Ўз хирсини босолмаган, қизининг юзини бир умрга қора қилган шу мунофиқ кимсанинг қилмишини қандай баҳоламоқ керак. У жазони ўтаб ёруғликка чиқади. Аммо қариндошлари, эл-юрт ундан юз ўгириб, бетига тупириб ўтади.

Қизнинг онаси Нортожи қизи учун тинчини бузгуси келмади. Боқолмадим, эмиш. Икки бола сиққан жойга учинчиси ўрнашмадими? Аксинча каттагина қиз онага мадад, кўмакчи бўлмасмиди, қўлтиғига кирмасмиди. Аввал бошдан оилага енгил қараб, уни бузишга сабабчи бўлган хотин бола тарбиясига келганда ҳам енгилтаклик қилди.

Шу ўринда маҳаллага, унинг оқсоқолию, турли комиссияларига билдирадиган таъналаримиз ҳам йўқ эмас. Ахир эр-хотин бугун урушиб, эртага ажрашмагандир. Келишмовчилик, ориш-жанжал дегани ойлаб, йиллаб давом этади.

Бу фожеа бутун маҳаллага иснод келтирди. Қизгинага ачинасан киши. Унинг тақдири не кечади? Бир умр бадбахт бўлиб қолмайдими? Яратгандан унга мадад тилаймиз. Кичкинагина бахтингни ундан дариғ тутма, Оллоҳим.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Mahalla» мухбири.

2001 ЙИЛ - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ — БОЛАЛАРГА

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Оналар ва болалар йилига бағишлаб болалар қўшиқлари кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Танлов Ватан, Истиқлол, юртимизнинг гўзал табиат манзараларини, фидойи ватандошларимиз, меҳрибон оналаримиз, иқтидорли ёшларни мадҳ этувчи янги куй ва қўшиқлар яратилишига туртки бўлади.

Ижодкорларни болалар қўшиқчилигида янада сермаҳсул меҳнат қилишга даъват этиш, ёш мусиқачиларни рағбатлантириш, янги номларни кашф этиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур танлов шу йилнинг февраль ойида якунланади. Унда бадиий мукаммал, миллий руҳ билан йўғрилиб, юксак савияда яратилган энг яхши мусиқий асарлар Болалар санъати республика фестивалида ҳамда мустақиллигимизнинг ўн йиллиги тантаналарига бағишлаб ўтказиладиган «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрамида ижро этиш учун тавсия қилинади.

ЎзА.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИЯСИ

Чоршанбадан Якшанбагача

ҚЎЙ (21.03-21.04). Ҳафтанинг биринчи ярми сиз учун у қадар кўнгилдагидек кечмаган, соғлигингиз безовта қилган бўлса, можаролар пайдо бўлиши мумкин. Жума ва шанба кунлари сизни муҳим амалий учрашув кутади.

БУЗОҚ (22.04-20.05). Ҳафта жўшқин ҳиссиётларга ва хаёлий саргузаштларга тўлиқ. Ишда кўпам фаол бўлмай, шахсий ҳаётингиз икир-чикирлари билан шуғулланинг. Якшанба кунлари ижодий ишларингиз унумли бўлади.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06). Ҳафта умуман яхши кечади. Сиз тузуккина ишлаб олишингиз, қимматли ютуққа эришишингиз мумкин. Дам олиш кунлари чинакамига ажойибдир: дўстлар даврасида гурунглашиш, танишларни кўпайтириш имконияти бор.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07). Нолишингизга ҳеч ҳам ўрин йўқ. Пайшанбада ғаройиб саргузашт кутмоқда. Дам олиш кунлари эса қизиқарли учрашувларга бой бўлади.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ҳафта осойишталик билан ўтган бўлса, ўртасига келиб можароли вазиятлар юзага келиши эҳтимоли бор. Фақат ҳафтанинг охирида омад кулиб боқади - дам олиш кунлари сизни хушхабарлар ва муҳим учрашувлар кутади.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Ишчилар учун пайшанба яхшироқ, ҳатто тузуккина ишлаб олишингиз мумкин. Кўнгилли жума ҳар жиҳатдан ажойиб якшанба сизга кўтаринки ҳиссиёт бағишлайди ва ўз кучингизга ишончингизни орттиради.

ТАРОЗИ (23.09-22.10). Сиз учун ҳафта унутилмас воқеаларга унчалик бой эмас. Мўлжаллаб қўйилган ишларингизнинг кўпчилиги амалга ошса ажаб эмас. Пайшанба одамлар билан мулоқот учун маъқул кун. Шанба куни ҳушёр бўлинг - сизни алдаб кетишлари мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11). Сиз учун ҳафта фаоллик билан бошланди. Ҳафта бошида учрашувлар, сафарлар, ташвишлар билан ўтган бўлса, пайшанба куни қилган таваккал ишингиз бошлиқ билан муносабатингизни бироз бузади. Шанбада эса ижобий ҳиссиётлар оқимини бошдан кечирасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12). Чоршанбада моддий аҳволингиз яхшиланиши эҳтимоли бор. Жума куни ажойиб инсон билан учрашувни ваъда қилянти. Шанба бир мунча асабий ўтиши мумкин. Аммо якшанба куни ҳаммаси жой-жойига тушади.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳафта сиз учун анчайин асабий кечади. Пайшанба ва жума кунлари бир қанча кичик муаммоларни ҳал қилишингизга тўғри келади Дам олиш кунлари хайрли келади.

ҚОВҒА (20.01-18.02). Ҳафта жуда тиғиз бўлади. Унинг биринчи ярми ажойиб - барча истакларингиз рўёбга чиққан бўлса. Ҳафтанинг иккинчи ярмидан қалтис давр бошланади - можаролар бўлиши ҳам ҳеч ган эмас. Шанба кундаги хушхабар барча кўнгилсизликларни ювиб кетади.

БАЛИҚ (19.02-20.03). Ўзингизнинг зарурроқ ишларингизни жумага режалаштиринг. Бу омад келтирадиган кундир. Асабий, нохуш чоршанба ҳақида нима ҳам дердик. Якшанба сизга осойишталикни қайтариб, хотирангизни жам қилади.

ДАРВОЗАДАН РИЗҚ КИРМАДИ. ШЕЪР ВА ШЕЪРИЯТ. УЗОҚ ЯШАНГ... ОЛОВ – ЁВ.

2001 йил 17 январ
№ 3 (230)

МАҲАЛЛАМДАГИ ГАПЛАР

ҲАМСОЯ АДОВАТИ

...Дарвозалар шундайгина қарама-қарши эди. Сарҳар мардонлаб уйғонган қўшни уйга барака киради, деган умид ила кўча эшигини очди. Ташқарига чиқиб аввал ўнг, сўнгра сўл тарафга қараб, «ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ» деб салом берди. Худди шу аснода рўпарадаги ёғоч дарвоза ҳам «кўз очди-ю», оппоқ «ҳожи дўппи» кийган, оқ яктакли ҳамсоя кўринди. Кўзлар ихтиёрсиз тўқнашди. Ва лекин бир-биридан ихтиёрий олиб қочилди. Ҳеч зот йўғида айтилган фарз калом инсон юзма-юзлигида на униси, на бунисидан раво кўрилмади.

Эшиклар яна ёпилди. Ризқ-рўз, барака умидидаги яхши тилак ҳам бир нафасда йўққа чиқди...

Тан беринг, нақадар оғир ҳолат. Аслида бу манзарани оғир деб баҳолашнинг ўзи енгил туюлади. Бу, бориб турган фожеа, даҳшат, жоҳиллик бўлиб, унинг асосида ҳеч қандай маъно, таг-заминсиз гина-кудрат ётмасмикан?

Ҳамма ҳам айбсиз эмас, беайб фақат парвардигор. Шундай экан ўзаро муомала, муносабатларда бир оз совуқлик, тушунмовчиликлар юз бериши мумкин. Бироқ ким нима деса десину, ана шу каби англашилмовчилик, гина, юз қароликлар қўшнилар ўртасида учрамасин. Зотан, ака-ука, отабола, эр-хотин орасидаги низолар тезда барҳам топару, аммо ҳамсояларнинг адовати йилларга, йиллардан насл-насабларга, авлодларга тарқаб кетиши ҳам ҳеч гап эмас-да.

Мен бир воқеанинг гувоҳи бўлгандим. Ҳамкасбларимиздан бири шаҳар биқинидан ҳовли-жой сотиб олди. Ўзи ҳокисор, хушмуомала инсон эди. Кўплашиб кўч-кўронини ташишга кўмаклашдик. Табиийки, ён-атрофдаги қўниқўшнилар ҳам янги ҳамсоя билан танишмоқ ниятида ёрдамга ошиқдилар. Бироқ бир девор-дармиён қўшнининг ҳеч қош-қовоғи очилмас, дам машина ёнига келиб ўқрайиб қарар, дам уйига кириб кетар, қисқаси ўзини қўйгани жой тополмасди.

Ниҳоят, навбатдаги «ташриф»лардан бирида гап қотди.

- Бу ерга қайси бирингилар кўчиб келяпсизлар?

- Биз, - деди ҳамкасбимиз худди айб иш қилгандай ийманиб.

Қўшни негадир кўришмоққа чоғланмади-ю, бироқ «заҳар пуркаш»дан ўзини тиёлмади.

- Бу ҳовлининг хосияти йўқ. Сал эҳтиёт бўласиз-да...

У ғоз юриш қилиб яна изига қайтди. Бироқ айтадиганини айтган, ўртага совуқликни ташлаган, не-не машаққатлар эвазига сотиб олинган жаннатдай ҳовли-жойга дўзах ниқобини кийдириб, кўнгилга ғашлик уруғини сепиб бўлган эди.

Мана салкам йигирма йилки, ҳамкасбимиз ўша хонадонда яшайди, ўша одам билан қўшничилик қилади, эрталабдан унинг нурсиз, совуқ кўзлари, тунд қиёфаси, беписанд эътиборига кўзи тушади ва бу ҳолатларни ичига ютиб, ўзига нисбатан асоссиз бу муносабатни сезиб-сезмасликка, тушуниб-тушунмасликка олади. Ўзига Оллоҳдан сабр-бардош, ҳамсоясига имон ва инсоф тилайди, яхшиликка ишончумид ила яшайди.

Шунинг учун ҳам донишмандлар «Ҳовли олма - қўшни ол» деб бежиз айтишмаган экан-да.

Яқинда таҳририятга олтинкўллик бир ўқимишли киши кириб келди. Ўқимишли дейишимнинг боиси шундаки, суҳбат асносида унинг дунёвий ва ухровий илмдан анчагина хабардорлиги аён бўлган эди. Боз устига одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, эътиқод ва садоқат мавзуларида яхшигина шеърлар ҳам машқ қилиб турарекан. Ҳар бир сўзида маъно, ёзган шеърларида ҳикмат борлиги боис, меҳмонга нисбатан ҳурмат-эътиборим ортди. Яқиндан танишмоққа имкон топиб, асарларидан намуналар чоп эттирмоқ нияти туғилди.

Афсуски... Аслида шу афсуснинг бўлмагани дуруст эди. Аммо начора, айтилган сўз, отилган ўқ. Шундай ширин суҳбат пировардида, у бир гап айтди-ю, гўё ёниб турган машъалага совуқ сув қуйгандай бўлди.

- Биласизми, - деди у очиқ эшикка хуфёна кўз ташлаб, - шу танишганлигимиздан фойдаланиб, сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчийдим.

Кошки шу илтимосни айтмаса-ю, менинг дастлабки таассуротларим тумандай тарқамаса эди.

- Бажонидил, қулоғим сизда.

- Шу десангиз, мухбир жўнатиб, ҳамсоянинг танобини торттириб қўйсангиз. Ўлгудай ичиқора, ҳасадгўй, фитна одам. Унинг дастидан сира тинчим йўқ. Томорқага сув, ҳайвонларимга кун бермайди. Шунақаям хасис, бедавога учрайманми?

Назаримда қаршимда офтоб мисол чарақлаб ўтирган бу одамнинг юзига соя тушгандай, кўзларидаги маъно ва нур ўрнини хийла ва сохталик эгаллагандай бўлди. Гўёки, у юзидаги ниқобни ечиб, асл қиёфасини фош этгандай туюлди.

Ривоят қилишларича, бир кимсанинг уйида сичқон кўпайиб кетибди. Ундан сўрабдилар: Нега мушук сақламайсиз, ахир у сичқонларнинг додини беради, ўзингиз ҳам жотиржам тортасиз? У зот дебди: Қўрқаманки, сичқонлар мушук овозини эшитиб, ҳамсояларнинг уйига тарқагай, ўзимга раво кўрмаган ишни қўшниларга соғинаманми?

Абу Исо Термизийнинг «Саҳиҳи Термизий» китобида шундай ривоят келтирилади: «Расулуллоҳдан (с.а.в.) эшитдимки, у зот: Жаброил (алайҳиссалом) менга қўшнининг ҳақлари тўғрисида шундай қаттиқ васият қилдики, қўшни қўшнидан мерос олармикан, деган хаёлга бордим», дедилар.

Энди дўппини қўлга олиб, мулоҳаза юритайлик. Биз ўзимиз мана шу ҳикматлардан хабардормизми? Мусулмончиликнинг бу талабларини ҳамма ҳам беками-кўст адо этяптими?

Хонадонимизда қўш-қўш қозонлар қайнаб турганида, қўшнининг ўчоғи бир ҳафтадан буён совиб қолгани хаёлимиздан ўтяптими? Ҳали мўйлаби сабза урмаган ўғлимизга машина олиб берамизу ҳавасдан кўзлари жовдираб турган ҳамсоянинг фарзандларини «кўрмай» ўтиб кетаверамиз. Нега ўз ариғимизни тозалаб, қўшнининг ариғига ахлат ташлаймиз? Нега кунлаб кўрмасакда, қўшнини соғинмаймиз.

Агарчи чиндан ҳам шу сўроқлар асосли бўлса, билингки, қўшнига нисбатан адолатсизлик қиляпсиз. Яна шуни билингки, қўшни тинч бўлмагунча, ўзингиз асло хотиржам яшолмайсиз. Шундай экан, яхшиликни, эзгуликни энг аввало эрта тонгда яхши ният билан дарвоза очиб, қўшнига салом беришдан бошлайлик.

Илло, аксича бўлишидан Оллоҳ сақласин.

Абдумутал АБДУЛЛАЕВ.

Мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар кўпгина соҳалар қатори адабий оламимизга, хусусан, шоиру шоиралар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Аммо, адабиётни адабиёт, шеъриятни шеърият деб англаган ижодкорларимиз бу тақдирдан воз кеча олмайди. Ҳусанжон Аминов ҳам қишлоқ туманларида ижод қилаётган шоир, яъни бугун ҳам шеъриятга садоқат билан ижодини давом қилаётган шоир. Шоир бугун 60 ёшга қадам қўяр экан ижодни тириклик суви деб ҳисоблайди.

УМРНИНГ ЛАҲЗАСИ СЎРАЙДИ ҲИСОБ

Бу умр ўткинчи, ўтаверади,
Турмуш ташвишларин тутаверади.
Одамзод эртасин кутаверади,
Умрнинг лаҳзаси сўрайди ҳисоб.

Мозийга қулоқ сол, ажиб бир садо,
Чалинар овозлар шоҳми, ё гадо.
Гувоҳдир она ер, жон фидо адо.
Умрнинг лаҳзаси сўрайди ҳисоб.

Бир чимдим ҳаётда Оллоҳ асрасин,
Туҳматдан, балодан Оллоҳ асрасин.
Кулфатдан, аламдан Оллоҳ асрасин,
Умрнинг лаҳзаси сўрайди ҳисоб.

Шукрона айт, доим, эрта тур, кеч ёт,
Оллоҳ насиб этган неъматки ҳаёт,
Тангрининг қулига иймонсизлик ёт,
Умрнинг лаҳзаси сўрайди ҳисоб.

Етти пушт шажаранг дилингда бўлсин,
Аждодлар ҳурмати тилингда бўлсин,
Ҳурматинг, эъзозинг элингда бўлсин,
Умрнинг лаҳзаси сўрайди ҳисоб.

АЖРАЛИШ КУЛФАТДИР

Эт билан тирноқни ажратманг зинҳор,
Ажралиш ортида кулфат ётади,
Бу дунё беш кунлик ташвиши бисёр,
Қуёш ҳам ботади, ой ҳам ботади.

Серуруғ халқмиз биз, катта оила,
Меҳр-оқибатдан риштамиз боғлиқ.
Мансаб деб, бойлик деб, гоҳи-гоҳида,
Юраклар қатлари бўлади доғлик.

Бировни-бировдан нописанд билиб,
Изидан мағзава сочиб ташламанг.
Яқин қариндошни узоқроқ қилиб,
Бекордан кўзини ғамдан ёшламанг.

Қариндош-уруғнинг бўлгани яхши,
Майли асқотмасин унинг бойлиги.
Феълингни кенг тутиб, очиқ қалб бўлсанг,
Қалбингни тоғ қилар улар борлиги.

Яхшилик қавмни олға бошлаган,
Яхшиликка фақат, яхшилик қайтсин,
Ёмонлик ҳамиша дилни ғашлаган,
Яхшилик туфайли раҳматлар айтсин.

Бу дунё шундайин ўлмаган жон йўқ,
Фонийлик, боқийлик тақдири азал,
Қовми-қариндошу, яқин кишинг бор,
Шу билан ҳаётинг бир умр гўзал.

Яхшилик бор экан олам тинч, башар -
Заминга, заргардир ҳар бир тирик зот,
Яхши ҳам яшайди, ёмон ҳам яшар,
Яхшилик уруғин сочгин одамзод

Хусанжон АМИН.

ГАП ОХИРИДА

32 ТА ТИШ КЕРАКМИ, ЎЗИ!

Ер юзидаги миллионлаб кишилар тиш оғриғидан азоб чекадилар.

Хўш, бу дарддан фориғ бўлиш ё олдини олишнинг чораси борми? Бу масала хусусида лондонлик стомотолог Тейт «ихтирочилик таклифи» билан чиқди. У тишларни «сийраклаштиришни» таклиф қиляпти. Унга кўра инсондаги 32 тиш қадимда, яъни кишилар хом гўшт истеъмол қилганларида керак бўлган. Ҳозир эса ейиладиган таомни майдалаб берадиган механик мосламалар мавжуд. Шунинг учун 20-24 дона тиш етарли деб ҳисоблайди Тейн. «Ортиқча» тишларни болаликдаёқ суғириб ташлаш лозим, шунда қолганлари бемалол ўсиб ишдан чиқмас эмиш.

САБОТИНГГА БАЛЛИ, БУВИЖОН!

Мана ўн тўрт йилдирки, кишиневлик Мария Григорьевна Буга набираси Наташа билан бирга.

Ҳар куни набираси билан мактабга қатнаб умрининг ўн йилини мактаб коридорида ўтказди. Кейинги тўрт йил давомида у Молдавия давлат университетига қатнамоқда. Чунки Наташа ҳозир шу ерда чет тили факультетида таҳсил олмоқда. Мария Григорьевна коридорда «пара» тугаб қўнғироқ тугашини кутиб туради. Наташани бошқа аудиторияга олиб бориш керак. У ногирон - болалигидан юра олмайди, аравача унинг ҳаётининг бир бўлагига бувиси эса доимий мададкорига айланган.

ЧОЙНИНГ ЯНА БИР ХУСУСИЯТИ

Халқаро илмий Ассоциациянинг Лондонда эълон қилган хулосасига кўра қора чойнинг яна бир муҳим янги хусусияти маълум бўлди. Экспертлар таъкидлашларича, улар биринчи марта қора чойнинг қон босими ва миокард инфарктни олдини олиши мумкинлигини исботлаган.

ТИРИК МУРДА

Кишинёвлик етмиш ёшли нафақахўр Надежда Чеботарь касаллиги сабабли узоқ вақт пенсияни олиш учун алоқа бўлимига бора олмади.

Ниҳоят бир куни кампир бу даргоҳга қадам қўйди. Почта ходими унга Н.Чеботарь исмли шахс рўйхатда йўқлигини у ўлганлигини маълум қилди. Шаҳар троллейбус бошқармасида ўттиз йил ишлаб нафақага чиққан бу беозор кампирни ўзини ҳали тириклиги ва давлат белгилаган пенсияни олишга ҳаққи борлигига туман иҳтимоий таъминоти бўлими ва почтадагиларни ишонтириш учун анчагина ҳужжат тўплашига тўғри келди.

ЁШ ПАЛЕОНТОЛОГ

Майкоплик Саша Умеренко Краснодар ўлкасидаги тарих-археология музей-қўриқхонаси ҳақида яқинда эшитди.

Тўққизинчи синф ўқувчиси бўлган Саша қатори болалар нари борса марка ва белгилар йиғишса, у бўлса қадимги палеонтологик ашёларни тўплаш билан машғул. Сашқ йиғган нарсалар ичида тошқотган денгиз типратиканидан тортиб бундан миллион йиллар илгари денгиз ва океанларда ҳаёт кечирган малюскаларни учратиш мумкин. Яқинда Сашанинг уй музейи ноёб топилма панжали китнинг скелети билан бойиди. Ушбу денгиз ҳайвонининг скелети Юра даврига тааллуқли бўлиб, уни Саша икки йил давомида бўлак-бўлаклаб йиғиб тўплаган. Бола Россиянинг палеонтолог олимлари билан илмий ёзишмалар олиб бормоқда. Мутахассисларнинг фикрича, бу боладан палеонтолог олимнинг ҳиди келиб турибди.

Ф. ҒОЙИБОВ тайёрлади.

ХАВФДАН ЙИРОҚДА

МАҲАЛЛА АҲЛИНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАЙЛИК!

Халқимизда ўт балосидан ўзи асрасин, деган гап бор. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам бу офатнинг юзага келишига ўзимизнинг лоқайдлигимиз ва эҳтиётсизлигимиз сабаб бўлади. Бу ҳолат айниқса, кузги-қишки мавсумда газ, электр билан ишлайдиган ва бошқа иситиш манбаларидан фойдаланишга зарурат туғилган даврда авж олади.

Республика Ёнғиндан сақлаш бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда ўтган йил давомида содир бўлган ёнғинларнинг қарийб 77,7 фоизи маҳаллаларга тўғри келгани ҳам ташвишли ҳолдир. Бундай нохуш ҳолатнинг олдини олиш ва аҳоли орасида ёнғиндан сақланиш борасида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини янада жонлантириш, бу борада ўзини ўзи бошқариш органларининг фаоллигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва Республика Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ҳамкорликда қўшма иш режасини туздилар. Хўш, бу иш режасида нималар назарда тутилган? Шу ҳақда Республика «Маҳалла» жамғармаси Бошқаруви раиси ўринбосари Садриддин ҲАСАНОВГА мурожаат қилдик.

- Республика Ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан ҳар йилги анъанага биноан ўтган йили ҳам «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Эндиги, ҳамкорликда тузилган қўшма иш режаси яна ҳам аҳамиятлироқ, кенг қамровли бўлса керак?

- Албатта. Бу тадбирдан мақсад содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, айниқса, ёш болаларнинг ота-оналари томонидан қаровсиз қолдирилиши натижасида куйиш, жиддий тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлаётганлигини эътиборга олиб ҳамда 2001 йил - «Оналар ва болалар» йилида ушбу нохуш ҳолатнинг олдини олишга эришиш. Иш режамизга кўра, бу тадбир бутун республикани, ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, ҳар бир маҳаллани қамраб олади. Асосий эътибор, фуқароларни бу офатдан сақлаш эҳтиёт чораларини ўз вақтида кўришга даъват этиш, эҳтиёткорликни уларнинг онгига сингдириш, умуман ташвиқот-тарғибот ишларига қаратилади.

- Фуқаролар билан ишлаш деганда албатта, ҳар бир маҳалла оқсоқоли, фаол жонкуяри, посбонию ҳудудий нозиригача бу тадбирга жалб этилса керак?

- Ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятига оид ҳар қандай тадбирни амалга оширишда асосий суянган кучимиз айнан маҳалла оқсоқоли, фаоли, посбони-да! Шу боисдан, ушбу ишларда ижобий натижаларга эришганларни рағбатлантириш мақсадида кўрик-танлов ўтказишга қарор қилдик. Айнан ёнғинга қарши курашиш, эҳтиёт чораларини тўла-тўкис адо этиш бўйича «Намунали маҳалла, гузар ёки мавзе» йўналишида кўрик-танлов ғолибларини аниқлаймиз. Ҳозирги кунда Ёнғиндан сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда тузган иш режамизни амалга оширишда ҳар бир вилоятдаги жамғармамиз бўлимларидан ва жойлардаги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бўлимларидан масъул ходимларни тайинладик. Улар биз юборган иш режаси асосида фаолиятларини бошлаб юбордилар.

Муяссар ҚУРБОНОВА суҳбатлашди.

СОҒЛИҒИНГИЗ ҚЎЛИНГИЗДА

УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ

Мафтункор табиат, мусаффо ҳаво, тинч ва хотиржам турмуш, ҳамма-ҳаммаси узоқ умр кўришимизга гаров бўла олади. Биз бу ҳақда яхши биламиз. Лекин, ҳаётимиз учун муҳим бўлган сув муолажаси ҳам борки, бунга амал қилиш нафақат узоқ яшашга, балки ҳар доим тетик ва соғлом кун кечирмоқликнинг асосидир. Бундай муолажа қай йўсинда бажарилади?

Маълумки, ҳаммом, қуруқ ҳаволи ҳаммом (сауна) ва душ қабул қилишнинг ғоят фойдали эканини биламиз. Бироқ, сув муолажалари танамизда ва руҳимизда қандай ижобий ўзгаришлар ясай олиши ҳақида тўла маълумотга эга эмасмиз. Масалан, ҳаммомда терлаш орқали бел, қўллар, оёқлар, бўйин ва кураклар, шунингдек, нафас йўллари, ошқозон, ичаклар, ўпка, жигар, талоқ, қовуқ каби тана аъзоларидаги хасталиклар даволанади. Киши қаери оғришига қараб ўша жойини ҳаммомда кўпроқ терлатиши лозим.

Саунага борилганда эса инсон танасида моддалар алмашинуви яхшиланади, қонда гемоглабин ва эритроцитлар миқдори кўпаяди, буйрак фаолияти мўътадилашади. Сауна кишининг ҳиссиётларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Сауна ёки душ қабул қилиш давомида танада адреналин (руҳий қувватни оширувчи) моддаси кескин ажралиб чиқа бошлайди. Инсон ўзини тетик ва бардам ҳис этади. Мутахассис шифокорларнинг таъкидлашича, душ қабул қилишда гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ сувдан тез-тез алмашиб фойдаланиш терини чиниқтиради, танада турли касалликларга нисбатан ҳимоя кучини оширади. Иссиқ душдан эҳтиёт бўлмоқ лозим. Илиқ душ уйқудан аввал яхши, чунки бу ҳолда у кишининг асаб тизимини майинлаштириб, тинчлантирувчи таъсир кўрсатади. Совуқроқ душни эрталаб қабул қилган яхши. Чунки, совуқ душга ўрганилганда ҳам тана чиниқиб, пишиқ тортиб боради. Демак, унча-мунча хасталик бундай танани забт этолмайди! Қаттиқ чарчаганда, уйқу бузилганда ёки ланжлик ҳолатларида сауна ёки душ қабул қилиш жуда фойдалидир. Хўш, сув муолажаларидан қай вақтларда фойдаланиш зарур? Ҳафтада бир маротаба ҳаммомдан узоқ терлаш, ҳар ўн кун ичида саунада роҳатланиш ҳамда деярли ҳар куни душ қабул қилишга одатланиш лозим. Чунки, сув муолажаси туфайли сиз фақат ювинибгина қолмай, балки дам олиб ҳордиқ чиқарасиз, покланиб, қуддек енгиллашиб бораверасиз. Танангиздаги жамики ғуборлар ювилади, кўзларингиз чарақлаб, юзларингиз териси таранглашади. Миянгиз иши фаоллашади, туйғуларингиз теранлашиб, шуурингиз тиниқлашади. Кун сайин яшара бошлайсиз. Эҳ-ҳе, булар-нинг барчаси сизга ёқимли кайфият бахш этибгина қолмай, умрингизга умр қўшиб, бахту-саодатингиз учун имкон ҳам яратади.

Шамшиддин МОЛДАБОЕВ тайёрлади.

Бошқотирма



Бўйига: 1. Маъноси бир сўзга тенг келадиган сўзлар бирикмаси. 2. Энг биринчи, ... 3. От насли. 4. Суянчиқ, ... 5. Ини. 6. Ер шари. 7. Қисқа, ихчам, ... 8. Одам... 9. Дуккакли ўсимлик. 10. Геометрияда текисликдаги шаклларнинг хоссаларини ўрганувчи бўлим. 11. Қадимги қурол. 13. ... сенга боқмаса сен ...га боқ. 15. Нуҳ пайғамбар ва унинг кема саёҳати билан боғлиқ асар муаллифининг исми. 18. Тег десам тегмайди. 20. Май. 21. Буюк, ҳайбатли, ... 22. Т.Қодировнинг «Олмос камар» асари бош қаҳрамони? 23. Кескир. 28. «Оғир»нинг тескариси. 30. Бешикдан қабргача ... изла. 32. Кеча ... фалакда ой бўзариб ботганда, Зуҳра юлдуз милтираб, хира ханда отганда. А.Ориповнинг юқоридаги сатрлар билан бошланувчи машҳур шеърида тушиб қолган сўз? 34. Сабр-тоқат, ... 37. Ёвуз ниятли кишиларгина ўзганинг ҳаётига ... солади. 38. Қарши шаҳрининг қадимги номи. 39. «... ёгду» теледастурнинг номи. 40. «Тико»нинг она шаҳри. 43. Юз йилга тенг вақт ўлчови. 45. Падар, ... 47. Ҳартумли ҳайвон.

Энига: 4. Шоҳдор ҳайвон. 6. Гулханий асари. 8. Ширинлик. 10. Хашак тури. 11. Аччиқ. 12. «Бошсиз ... « бадиий фильм. 14. «Шоҳ амри ...» 16. Шармсор. 17. Ўғил болалар исми. 19. Инсон аъзоларини ўрганувчи фан. 24. Олоуддиннинг сеҳрли ... 25. «Сисим» унга эшик очган. 26. Молгузар ва Нурота тоғларини ажратиб турувчи дара. 27. Баҳор даракчиси. 29. Машҳур генераль, қаҳрамон (фамилияси). 31. Темурий шаҳзодалар билан боғлиқ ўғил болалар исми. 33. тўр тўқувчи ҳашорат. 35. Буни ... дерлар, юлдузли, тунли. Иккала қаторда ҳам тушиб қолган сўз? 36. Ўзбекистондаги дарёнинг номи. 41. Шукур Бурҳоннинг машҳур роли билан боғлиқ сўз (Юсуф ... тўш). 42. Лапашанг, ... 44. Қалъа, ... 46. Осуда, шовқинсиз, ... 48. Адабиётнинг эпик жанри. 49. Шаҳризоданинг эртаклари. 50. Араб алифбосидаги биринчи ҳарф.

Тузувчи: Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА.

КУЛИНГ!

Учувчи хонасига бостириб кирган террорист:

— Швеция томонга учамиз!

— Ўпкангни бос! Анави гранатамед ушлаб турган аёл рязанни заказ қилди.

Янги рус бойваччаларидан бири машинасида кетиб бораркан, йўлда уни ДАН ходими тўхтатиб сўради:

— Ҳужжатингиз?

— Мана, мана.

— Бу ахир, «БОИНГ»ни бошқариш учун берилган ҳужжат-ку?!

— Қанақаси бўлса, шунақасини сотиб олдимда!

— Биз битта йўлланма билан оиламиз билан бирга дам олдик!

— Бўлмаган гап!

— Битта йўлланма сотиб олиб унга қайнонамни жўнатдим.

А. ХАКИМОВ чизган сурат.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ
Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ
Саҳифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
С. ХОНКЕЛДИЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037
Топширилди—20.30